

## БАДИЙ ЯХЛИТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖОДКОР МАҲОРАТИ

Тлеуниязова Г.Б

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими  
Қорақалпоқ гуманитар илмий тадқиқот институти

**Аннотация :** В данном статья обобщены теоретические сведения, касающиеся композиционных приемов, и путем применения сопоставительно-типологического и структурного метода изучены композиционные приемы, используемые в современной каракалпакской лирике: повтор, сопоставление, противопоставление, усиление, монтаж и др. на примере в творчестве Т.Сарсенбеева, Б.Генжемуратова, И.Юсупова. Также, в данном статье через анализ композиционных исканий в стихах каракалпакских поэтов пришли к выводу о ведущей роли творческого замысла автора.

**Ключевые слова:** художественное мастерство, композиционные приемы, Т. Сарсенбаев, Б. Генжемуратов, И. Юсупов.

**Abstract:** This article presents general theoretical knowledge, analysis of compositional principles, as well as the use of a comparative typological and structural method for studying the compositional principles used in modern Karakalpak lyrics: repetition, comparison, contrast, amplification, montage, etc. on the example in the work of T. Sarsenbeev, B. Gendzhemuratova, I. Yusupova. Also in this state, through the analysis of compositional searches in the verses of Karakalpak poets, they came to the conclusion about the leading role of the author's creative intention.

**Keywords:** artistic skill, compositional techniques, T.Sarsenbaev, B.Gendzhemuratov, I.Yusupov.

Ҳар бир шоирнинг ижодида шеър қурилишида у танлаган бадиий үсуллар үнинг маҳоратини белгилайдиган мезонларнинг бири ҳисобланади. Лирикада ўй-фикрни беришда мос равишда композицион үсуллар танланади. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида энг кўп қўлланиладиган үсул – такрор бўлиб, үнинг шеър матнаги энг кичик шакли товуш такоридан бошлаб, образ ёки деталларнинг такорини билдирадиган лейтмотивгача учрайди. Улар мазмунни (лейтмотивлар, анафоралар) ва ташқи композицияни (эпифора, аллитерация, радиф, нақорат) шакллантириш сингари банд композицияси билан боғлиқ вазифаларни бажаради.

Ёнма-ён қўйиш усули ҳам ҳозирги қорақалпоқ лирикасида энг кўп қўлланиладиган үсул ҳисобланиб, икки қисмдан иборат: биринчи қисм объект, иккинчи қисм үнинг модели вазифасини бажаради. Ёнма-ён қўйиш усулининг бадиий воситаси параллелизмлар ҳисобланади.

Т.Сарсенбаев лирикасида ёнма-ён қўйиш усули психологик параллелизм тарзида мувафақиятли қўлланилган. Масалан:

Аұылда той болды,  
–Болмай қой болды.  
Мен ызғарда жаттым, шығып ар-сарым.  
Журттың тамашаға аўып аңсары,  
Бәри тойға кетти.  
Бәри тойға кетти,  
Жер бауырладым.  
– Жүр, баламысан, – деп жорам зорлады,  
Мийим мең-зең болып,  
Ызғар сен-сең болып,  
Қалыптан жатып.  
Бир ўақлары иним оятып:  
– Келиншектің мен бетин аштым,  
Сулығ екен, ажаға, – деди.  
Бир өлтирдин бүйерде-әм мени?!... [3:98]

Шеърда севган ёридан бир умрга айрилишини билган пайтдаги лирик қаҳрамоннинг ҳолати кичик сюжет ва диалоглар учинчи сатрдаги фикрнинг түртинчи ва бешинчи сатрга, саккизинчи сатрнинг түқкіз, үн, үн биринчи сатрларга, үн уч ва үн түртинчи сатрларнинг үн бешинши стардаги ўй-фикрларга, яғни лирик қаҳрамон рухиятидаги түйғуларнинг шу сатрлар орқали бир-бирига ёнма-ән қўйилиши натижасида очиб берилган ҳамда бу усул шоирнинг бадиий ниятини етказиб беришда аҳамиятга эга бўлган.

Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида ёнма-ән қўйиш усулини ўрганиш борасида шу каби хусусиятлар кўзга ташланади: 1. Ёнма-ән қўйиш усули лирик асар композициясини ташкиллаштиришда иштирок этади. Бунда ритмик-синтактик ва интонацион параллелизмлар етакчилиги кузатилади. 2. Лексик-морфологик параллелизмлар лирик асардаги бадиий бирликларнинг симметрик мослигини таъминлашга қатнашади. 3. Жонлантириш, аллегорик ва антитета усулларида қўлланилган ёнма-ән қўйиш усули стиллик-композицион вазифа ўтайди. 4. Ёнма-ән қўйиш усулининг услубий-композицион вазифаси лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини табиат манзаралари билан параллель қўйиб тасвирлаш орқали ифадаланади.

Образларнинг антитетига асосланган композицион усул бўлган қарама-қарши қўйиш аввал қарама-қарши сифатга эга образлар, эпизодларни тасвирлашда эртак ва бошқа сюжетли асарларда кенг қўлланилган бўлса, «вақт ўтиши билан, даврдан-даврга антитеталар (персонажли ва воқеали) билан бир қаторда... бир вақтнинг ўзида ҳар хил ва ўхшаш факт ва ҳодисаларни қатор қўйишлар ўрнашиб борди» [4:10]. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида қарама-қарши қўйишнинг антитета, образли-мантикий қарама-қарши ва яширин турлари кузатилади.

Лирик асар тузилишида оддий такрор бадиий натижা беришда етарсиз бўлганда, бирдек образ ва деталларни танлаш йўли билан таъсирчанликни орттироқчи бўлганда қўлланиладиган кучайтиш усулининг градация ёрдамида пайдо қилинган шаклининг шоирлар лирикасидаги композицион хусусиятлари таҳлил қилинди.

Дастлаб кино санъатида кенг қўлланилган монтаж [2:586] адабиётшуносликда матннинг бир-бирига мос бўлмаган икки элементи, икки образи қатор жойлашганда янги маъно пайдо қиласидиган композицион усул сифатида яна ҳам теранроқ маънога эга бўлди. Б.Генжемуратовнинг «Дарёларнинг тескари оққанини кўрдим» деб бошланадиган шеърида бир-бирига зид тушунчалар ҳар мисрада ва мисра ичida ёнма-ён қўйиб тасвирланади:

Дэръялардың терис аққанын көрдим.  
Көрдим булақлардың тасқа айналғанын,  
аспанда бултлардың лаўлап жанғанын [1:6].

Мисолда тескари томонга оққан дарё, тошга айланган булоқ, осмонда ёнаётган булат каби ички қарама-қаршиликка эга, мантиқий жиҳатдан боғлиқ бўлмаган фикрлар ҳар бир мисрада берилган. Ҳар бир сатр ўз олдига холосага эга. Шеърдаги «Ўлиб тирилганнинг куни қурсин» деган етакчи фикр ички зиддиятга тўла фикрларнинг ёнма-ён қўйилиб тасвирланиши орқали етказиб берилган. Бир қарашда ўзаро мантиққа эга бўлмагандек тўйилган мисралардаги фикрлар шеър давомида лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини етказиб бериш учун қўлланилган.

Булардан ташқари шоирлар ижодида композицион усуллар асосида пайдо бўладиган очиқ композиция, халқали композиция, бурама композиция, занжирили композиция, ойнабанд композиция, амебей композиция, туташув, ва бошқа бир нечта композицион типлар мавжудлиги маълум бўлди. Шунингдек, ретроспекция усули, тўқима, урчуқли (шарнирный) усулларда композиция қуриш хусусиятлари ижодкорнинг лирик асар композициясини яратишдаги поэтик маҳоратини юзага чиқаришга хизмат қилган.

Масалан, И.Юсуповнинг «Амира азоблари» шеърида лирик қаҳрамоннинг қалбининг ёлғизлиги, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган айрилиққа дучор бўлишидан иборат бош мавзуни ифодалаш учун шоир томонидан танланган композиция ўзини оқлаган. Чунки, кўп мисрали, кўп бандли, кўлами катта бўлишига қарамасдан, унинг шоир томонидан бешта композицион қисмга ажратилиши, ҳар бир қисм алоҳида яхлитликка эгалиги, лекин ҳар бир қисм «қўрқаман» такроридан иборат композицион марказга маъноси жиҳатидан боғланиб, унинг шеърнинг ҳар хил жойида такрорланиши орқали бурама композицияни пайдо этиши, ҳар бир қисм ва бутун шеър адабиётдаги лирик асарнинг мазмун ва шаклига қўйиладиган талабларни бажариши билан бирга, ички ва ташқи композицион талаблар асосида қатъий тузилиши, энг охирги қисмдан ташқари ҳар бир композицион қисм алоҳида лирик чекинишлар билан берилиши, сарлавҳа, эпиграф ва санани шеър мазмуни билан

боғлиқ танлаши кабилар унинг мувффақиятини таъминлаб, бадий жиҳатдан юқори, адабиётда ўз ўрнига эга асарга айлантирган. Бир нечта эпизодли воқеаларни ҳиссий таъсирчанлик билан тасвирлаб, мукаммал композицион яхлитликни пайдо қилиб, ўқувчига пишиқ ҳолда етказиш – Ибраимона индивидуалликнинг битта томони ҳисобланади.

Б.Генжемуратовнинг «Қорнинг бошини қор олар» деб бошланадиган шеърининг композицион бутунлик нуқтаи назаридан таҳлил қилганда кўзга ташланадиган композицион маркази, бандлик тузилиши, қофияси ва ритми, бандлик тузилишининг мазмунни етказиб беришга бўйсундирилиши шеър композициясининг ютуғини белгилайди.

Қўштироққа (« ») олинган дастлабки икки мисра орқали бутун шеърга халқ тўлғовининг ритми сингдирилишида шоирнинг индивидуал изланиши кўзга ташланади. Шеърдаги етакчи ғояни англаш учун ундаги халқ меросларининг тўлғов намунаси ёки кейинги мисралардаги тўғри маънода англанадиган тушунчаларни айтишнинг ўзи етарсиз. Чунки, шеър модерн тасвирлашга асосланган. Унда қор, хон, қул, банда, рух, хом сўзлари битта бандда жамланиши бехосдан эмас. Алоҳида турганда маъноси жиҳатидан яқин бўлмаган, лекин ҳар бирининг ортида халқнинг катта диний эътиқоди, фалсафий тафаккури, дунёқараши ва мифологиясига оид тушунчалар жой олган мисралар мантиқий жиҳатдан боғлиқ эмасдек кўринади. Шоир уларни беш мисрали банд шакл ида ғояни етказиш учун бадий мақсадда ташкиллаштириш, сўз ва мисраларнинг мантиқий боғлиқлигини таъминлаш учун ушбу сўзларга метафорик-символик маъно юклайди. Шеърдаги инсоннинг ўзини англаши йўлидаги изланишлари, Оlam, Тангри, Инсон учлигининг яхлитлиги, борлиқнинг сирларини тушунишга интилиш, унинг асосидаги олам қонуниятларини англаб етиш ва унга амал қилиш мақсадини ифодалайдиган символик тил жуда кенг миқёсдаги тушунчаларнинг бирикмасини ўзида жамлаган. Шеърда сарлавҳа бўлмаслиги, тиниш белгилари ва бош ҳарфларнинг адабий тил қоидаларига амал қилинмай қўлланилиши ташқи композиция соҳасидаги изланишлари сифатида баҳоланди. Иккала шоирнинг шеърларидағи композицион изланишларини таҳлил қилиш орқали шеър композициясида мўаллифнинг бадий нияти етакчилиги ҳақидаги хуносага келинди.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Генжемуратов Б. Оқ қадалған ай. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997.
2. Литературная энциклопедия терминов и понятий. – М.: Интелвак, 2001.
3. Сәрсенбаев. Таңырқант. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995.
4. Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002.